



Халқ сўзи

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 20 январь, № 12 (9183)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИТАЛИЯ БОШ ВАЗИРИ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ

19 январь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев пойтахтимизда тўхтаган Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелони билан учрашув ўтказди.



Ўзбекистон — Италия стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

2025 йилнинг май ойида Самарқандда олий даражада эришилган келишувларнинг изчил амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Турли даражаларда фаол мулоқотлар давом этмоқда. То-вар айирбошлаш ҳажми ва қўшма корхоналарнинг сони барқарор ўсиб бормоқда. Худудлараро, шу жумладан, Ломбардия билан алмашинувлар ривожланмоқда. Ўзбекистон фуқароларининг тартибли меҳнат миграцияси учун квоталар ажратилди.

“Finopera”, “ANCI”, “Pietro Fiorentini”, “Danieli” ва бошқа компаниялар билан ҳамкорликда йирик sanoat кооперацияси лойиҳалари амалга оширилмоқда. Ўтган йил охирида Самарқандда Тушиа университетининг филиали очилди.

Жорий йилда ташқи сиёсат идоралари стратегик мулоқоти ва ҳукуматлараро комиссиянинг йиғилишлари, шунингдек, иккинчи Ректорлар форумини ўтказиш режалаштирилган.

Тўқимачилик саноати, геология, энергетика, кимё, қурилиш материаллари, молия бозори ва бошқа устувор соҳалардаги қўшма лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Италияда Ўзбекистон, Ўзбекистонда эса Италия киноси кунларини ўтказиш тўғрисида келишувга эришилди. Ўзбекистоннинг навбатдаги Венеция биенналесига иштирок этиши ҳамда бу йил Миланда амалий санъат ва музей кўргазмаларини ўтказиш режалари қўллаб-қувватланди.

Халқаро ва минтақавий кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Италия Бош вазири Жоржа Мелонини Ўзбекистонга алоҳида ташир билан келишга таклиф қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

РЎЙХАТГА ОЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёевга аҳолини ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборот берилди.

Ушбу тадбир мамлакатимизда демографик жараёнлар, меҳнат ресурслари, ижтимоий инфратузилма ва ҳудудий ривожланишни илмий асосда режалаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Рўйхатга олиш жараёнлари халқаро стандартлар асосида, замонавий рақамли ечимлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилмоқда.

Рўйхатга олиш жорий йилнинг 15 январидан 28 февралгача икки босқичда ўтказилмоқда. 15 — 31 январь кунлари давом этадиган биринчи босқичда фуқаролар махсус ахборот тизими орқа-

ли онлайн рўйхатдан ўтишлари мумкин. Иккинчи босқичда эса 4 — 28 февраль кунлари “маҳалла еттилиги” ходимлари томонидан уйма-уй юриб, саволномалар планшет қурилмалари орқали тўлдирилади.

Аҳолини рўйхатга олиш жараёнлари “census.stat.uz” порталида амалга оширилиб, “OneID” тизими орқали идентификация қилиниши белгиланган. Барча маълумотлар геоахборот тизими асосида мониторинг қилинмоқда. Шу мақсадда республика бўйича 7,6 миллиондан ортиқ хонадон ва тураржойларнинг геомаңзиллари шакл-

лантирилди, жараёнларни реал вақт режимида кузатиб бориш имконини берувчи махсус мониторинг дашбордлари ишлаб чиқилди.

Фуқаролар томонидан тақдим этиладиган барча маълумотлар қонунчилик талабларига мувофиқ ҳимоя қилинади, шахсий маълумотлар махфий сақланади ва фақат статистик мақсадларда қўлланилади.

Рўйхатга олиш тадбирларини юқори савияда ўтказиш учун 14 та ҳудудий, 208 та туман ва шаҳар штаблари ташкил этилди. 60 минг нафарга яқин рўйхатга олувчи ходимлар тайёрланди. Жумладан,

54 минг нафар “маҳалла еттилиги” вакили, 2,6 минг захира ходими ҳамда 4 минг нафар ҳудудий штаб аъзоси жараёнга жалб этилди. Шунингдек, вазирилик ва идоралардан 480 нафар тренер, олий таълим муассасаларидан 3200 нафар волонтер ўқувдан ўтказилди.

Аҳолини хабардор қилиш ва тарғибот ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 110 та тарғибот видеоуролиги, 600 та телевизион лавҳа тайёрланди, ижтимоий тармоқда 6,3 мингта, аҳоли гавжум жойлар ва жамоат транспортларида

23 мингдан зиёд ахборот матери-аллари жойлаштирилди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда қадар махсус портал орқали 2,48 миллион хонадон ҳамда 31 мингта фермер хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги корхонаси рўйхатга олинди.

Давлатимиз раҳбари аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирларини сифатли ўтказиш, маълумотларнинг ишончилигини таъминлаш ва улардан қарор қабул қилиш жараёнида кенг фойдаланиш муҳимлигини таъкидлади.

Ў.А.

Танзила НОРБОЕВА,
Олий Мажлис Сенати Раиси

УЛУҒВОР МАҚСАДЛАР САРИ ДАДИЛ ОДИМЛАР

Бундан тўққиз йил аввал, давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси ва ташаббуси туфайли таъминлаш киритилган Президентнинг халққа, унинг вакилларида таркиб топган Олий Мажлисга Мурожаатномаси муҳим дастурий, сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида халқ билан мулоқот, давлатнинг халқ олдидаги ҳисобдорлиги каби демократик тамойилларнинг амалдаги энг юксак намунаси сифатида жамият ҳаётидан чуқур жой олди.

Муносабат

Шу кунгача йўлланган Мурожаатномаларни таҳлил қилганда бўлса, йилдан-йилга мамлакатимиз тараққиёти йўлида улкан мақсадлар қўйилиб, мисли қўрилмаган натижаларга эришилганлиги, мустаҳкам ишонч билан изчил барқарор ривожланиш сари дадил одимлар ташланаётганига гувоҳ бўламиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва халқимизга йўлланган навбатдаги Мурожаатномаси ҳам мамлакат ҳаётида муҳим сиёсий воқеа сифатида тарихга кирди. Унда юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва халқ фаровонлигини оширишга қаратилган устувор вазифалар белгилаб берилди.

Таъкидланганидек, биз 2025 йилни дунёда яқин-яқингача ҳеч ким тасаввур қила олмаган ўзгаришлар содир бўлаётган, давлатлар ўртасида иқтисодий қарама-қаршилик, хавфсизликка таҳдидлар ортиб бораётган таҳликали бир вазиятда яқунла-

дик. Ана шу омилардан келиб чиққан ҳолда давлатимиз раҳбари ички ва ташқи сиёсатнинг энг муҳим масалалари бўйича ўз қарашларини нафақат парламент аъзолари, балки бутун Ўзбекистон халқи билан бўлишди.

Президентимиз ўз Мурожаатномасида демократик ислохотларни қатъий давом эттирганимиз, халқимизнинг қўллаб-қувватлаши ва ёшларнинг ғайрат-шижоати, ҳамжihatлик асоси бўлган маҳалланинг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтирганимиз, одамларимизнинг онги ва дунёқарашини ўзгартириб, эл-юртимизни янада жипслаштирганимиз ҳисобига ўтган йилда барча соҳаларда улкан ютуқларга эришганимизни таъкидлади.

Шубҳасиз, 2025 йил Янги Ўзбекистон тарихида ўзининг ўчмас изини қолдирди.

Мурожаатномада қатъий ишонч билан айтилган қуйидаги далилга эътиборингизни қаратмоқчиман: “Бундан икки йил олдин “Ўзбе-

кистон — 2030” стратегиясини қабул қилганимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 2030 йилгача 160 миллиард долларга етказишни белгилаб олган эдик. Кўриб турибсизлар, мавжуд салоҳиятимиз, бугунги ислохотларимиз, тадбиркорларимизнинг фаоллиги, хорижий шерикларимиз билан ҳамкорлигимиз ўсиб бораётгани ҳисобига бу маррага 2026 йилнинг ўзида бемалол эриша оламиз”. Бу юртимизда Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган ортага қайтмас ислохотларнинг нақадар ҳаётийлигини, самардорлигини, қолаверса, миллат етакчисининг “Халқимиз эртага эмас, бугун яхши яшаши керак” деган энг олий мақсади, орзуси амалда рўёбга чиқаётганини аққол кўрсатиб турибди.

Шунингдек, Янги Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузи ҳар қачонгидан-да юқори поғонага кўтарилди. Юртимиз глобал масалалар муҳокама қилинадиغان халқаро мулоқот майдонига айланиб бормоқда. Биргина 2025 йилнинг ўзида мамлакатимиз Парламентлараро Иттифокнинг 150-юбилей ассамблеяси, ЮНЕСКО Бош конференциясининг сессияси, “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” саммити ва Иқлим форуми каби нуфузли халқаро анжуманларга мезбонлик қилди. Минтақамиз давлат раҳбарлари-

нинг Тошкентда бўлиб ўтган Маслаҳат учрашувида интеграция жараёнларини янги сифат босқичига кўтариш борасида муҳим ташаббуслар илгари сурилди. Озарбайжонни Марказий Осиё ҳамжамияти форматига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилиш тўғрисида тарихий қарор имзоланди.

Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон етакчиларининг март ойида Хўжандда бўлиб ўтган учрашувида биринчи марта уч мамлакат давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги тарихий шартнома ҳамда “Абадий дўстлик тўғрисида”-ги декларация қабул қилинди. Бундай ижобий жараёнларда мамлакатимиз етакчисининг ҳиссаси бекиёс эканлиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

Қўлга киритилган барча муваффақиятлар замирида бир нарс — мамлакатимиз ташқи сиёсатининг очиклиги, давлатимиз раҳбарининг кучли сиёсий иродаси ва халқимизнинг бирдамлиги ётади. Чунки бирлик, ҳамжihatлик ҳукм сурган жойда, албатта, ютуқлар, муваффақиятларга эришиш кафолатланади. Асрлар сиёсатидан ўтиб келаётган “Бирлашган — ўзар, бирлашмаган — тўзар” деган фалсафа бугун ҳам заҳматкаш халқимиз тимсолида ўзини намоён қилиб турибди.

➡ 2

Очiq парламент

ҚЎЛГА КИРИТИЛГАН ЮТУҚЛАР ВА ИСТИҚБОЛГА ҚАРАТИЛГАН РЕЖАЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан қўмитанинг 2025 йилги фаолияти якунлари ҳамда жорий йилдаги режалари юзасидан ОАВ вакиллари учун очiq мулоқот ўтказилди.

Унда давлатимиз раҳбарининг 2024 йил ноябрь ойида Олий Мажлис палаталарида сузлаган нутқи, Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишида белгиланган вазифалар, шунингдек, парламент ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан келиб чиқиб амалга оширилаётган ишлар ҳамда қўмита аъзолари ташаббуси билан қабул қилинган аҳолилик қонунларининг аҳамияти ҳақида ахборот берилди.

Таъкидланганидек, ўтган даврда қўмита “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонунда белгиланган вазифалар доирасида иш олиб борди. Хусусан, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ва 2025 йилги давлат дастури ижросини назорат қилиш ҳамда улар доирасида амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратди.

Хисобот даврида қўмита 14 та қонун лойиҳаси ва маъмурий-ҳудудий тузулиш масаласи билан боғлиқ 3 та қарор лойиҳасига масъул бўлди. Улардан 11 таси қабул қилиниб, Сенатга юборилган бўлса, 2 таси иккинчи ўқиш муҳокамасига тайёрланмоқда.

2025 йилда қўмита томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Сув кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги, “Ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш тўғрисида”ги, “Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тўғрисида”ги учта ахлят (янги) қонун лойиҳаси устида иш олиб борилди ҳамда улар Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди.

Шунингдек, қўмита масъул бўлган қонун лойиҳалари муҳокамаси бўйича жами 63 та ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилиб, уларда қонун лойиҳалари концептуал жиҳатдан такомиллаштирилди. Қолаверса, қўмита ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг қонун лойиҳалари муҳокамаси юзасидан йиғилишлари ҳам ташкил этилди.

Кўриб чиқилган даврда қўмита томонидан 16 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилди. Уларнинг 8 таси давлат органлари раҳбарларининг ахборотини эшитишга, 8 таси эса қонун ва қонунотси ҳужжатларининг ижроси ҳолатини ўрганишга тааллуқли.

Жумладан, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг ижро ҳолати Фаргона вилояти, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг ижроси Хоразм вилояти, “Усимликларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг ижроси эса Тошкент вилояти мисолида назорат-таҳлил тартибида ўрганилди.

Шу билан бирга, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш ва каналларни бетонлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳолати Жиззах вилояти, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида аҳолига қишлоқ хўжалиги ерларини ажратиш ва улардан самарали фойдаланиш ҳолати Андижон вилояти, дала четлари, каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларининг атрофларидаги ер майдонларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича белгиланган вазифалар ижроси Бухоро вилояти мисолида таҳлил қилинди.

➡ 3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ МИГРАЦИЯ ВА ПЕРСОНАЛЛАШТИРИШ СОҲАСИДАГИ
ҲАМОЛИЯТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ СИФАТ ЖИҲАТИДАН
ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

б) Ички ишлар вазирлиги томонидан ўзига ўзи кўрсатиладиган хизматлар турлари кенгайтириб борилади.

4. Ички ишлар вазирлиги (А.А.Ташпулатов) **2027 йил 1 май-га қадар эксперимент натижасидан** келиб чиқиб, “Ақлли” миграция шоҳобчаларини республиканинг бошқа ҳудудларида, шунингдек, савдо ва кўнгилочар марказлар, туристик ҳудудларда ҳам ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

III. Аҳолига қулайликлар яратиш

5. Ички ишлар вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Солиқ қўмитаси ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг **қуйидаги таклифлари маъқуллансин:**

а) **2026 йил 1 майдан бошлаб** Департамент ва унинг ҳудудий бошқармаларига Ўзбекистонга электрон кириш визаси асосида кириб келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг электрон визаларининг **амал қилиш мuddатини** бир мартаба **30 кунгача узайтириш** ҳуқуқини бериш;

б) чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган **тасдиқномани расмийлаштириш ваколатини** Департамент ва унинг ҳудудий бошқармаларига ҳам бериш;

в) ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарларига чет эл фуқаролари таълим олаётган муассасалар ёки меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотларда **виза мuddатини узайтириш, турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш** учун корхона, муассаса ва ташкилотлар маблағлари ҳисобидан шартнома асосида миграция бўлинмасига **шаҳодатланган қўшимча штат бирликларини киритиш** ҳуқуқини бериш;

г) **2026 йил 1 сентябрдан бошлаб** талабалар ётоқхонасига жойлашиш бўйича шартнома тузиш билан бир вақтда талабаларни **турган жойи бўйича рўйхатга олишининг композит тартибини** жорий этиш;

д) **2026 йил 1 февралдан бошлаб** жисмоний шахслар-

га идентификацияловчи ID карталар биринчи мартаба расмийлаштирилганда унинг чипига киритиладиган **электрон рақамли имзо сертификатини бепул бериш** ҳамда фуқарони “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялаш ягона ахборот тизимида **автоматик тарзда бепул рўйхатдан ўтказиш**.

IV. Миграция ва персоналлаштириш соҳасини рақамлаштириш

6. Департамент жисмоний шахсларнинг қуйидаги марка-зий маълумотлар базаларини шакллантириш ва доимий янгилаб бориш бўйича ваколатли орган ҳисобланади:

а) чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг **яшаш ва турган жойи бўйича рўйхатга олинган манзили** тўғрисидаги маълумотлар;

б) идентификацияловчи ID карта серияси, рақами, берилган жойи ҳамда берилган санаси ва тугаш санаси тўғрисидаги маълумотлар;

в) Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги маълумотлар;

г) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар турғрисидаги маълумотлар;

д) Ўзбекистон Республикасига таклиф қилинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳақидаги, шунингдек, уларнинг виза мuddати узайтирилганлиги тўғрисидаги маълумотлар.

7. Ички ишлар вазирлиги (А.А.Ташпулатов) **2026 йил 1 августга қадар сунъий интеллект технологиялари асосида:**

а) миграция ва персоналлаштириш соҳасига оид электрон давлат хизматларини кўрсатиш, онлайн ҳуқуқий маслаҳат бериш, юкламаси кам бўлган миграция бўлинмалари ҳақида маълумот олиш имконини беришчи “Паспорт-виза” автоматлаштирилган ахборот тизими мажмуасининг **“Passport-visa” мобилъ иловасини** ишлаб чиқсин.

Бунда мазкур мобилъ илова орқали кўрсатилиши кўзда тутилган миграция ва персоналлаштириш соҳасига оид электрон давлат хизматлари дастлаб **Ягона интер-**

актив давлат хизматлари порталида йўлга қўйилади;

б) чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистонда бўлиш қоидаларига риоя этилишини “Хавфсиз шаҳар” тизими орқали **аниқлаш ва мониторинг қилиш** имкониятини яратсин;

в) миграция ва персоналлаштириш соҳасида бошқа шахснинг розилиги талаб этиладиган давлат хизматларини кўрсатишда уларнинг шахсини “Паспорт-виза” автоматлаштирилган ахборот тизими мажмуасининг “Face-ID” модули орқали масофадан туриб аниқлаш ва розилигини олиш имконини беришчи **“E-Rozilik” платформасини** ишга туширсин.

8. Белгилансинки, **2026 йил 1 сентябрдан** бошлаб қуйидаги давлат хизматларини **Ягона интерактив давлат хизматлари портали** ва **давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиш имконияти** яратилади:

а) хорижда истиқомат қилаётган **ватандошлар** ва уларнинг **оила аъзоларини** Ўзбекистон Республикасига таклиф қилиш;

б) фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг **биометрик ҳара-катланиш ҳужжатларини расмийлаштириш учун ариза юбориш**;

в) мулкдор ёки турган жойи бўйича рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг мурожаати асосида унинг турган жойи бўйича **рўйхатга олинганлигини бе-кор қилиш** учун ариза юбориш.

9. Ички ишлар вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **2026 йил якунига қадар** шахсга доир маълумотлар доимий янгиланиши ва хавфсизлигини таъминлаш, давлат хизматлари сонини ошириш ҳамда так-дорланувчи маълумотларни бирлаштириш орқали ахборот ресурсларидан фойдаланиш қулайлигини ошириш мақсади-да Персоналлаштириш марказининг маълумотлар базалари ва дастурий таъминотларини Ички ишлар вазирлигининг **“Паспорт-виза”** автоматлаштирилган ахборот тизими маж-муасига бирлаштирасин. Бунда:

а) шахсга доир маълумотлар жамланган **“Ягона рақам-ли миграция” платформаси яратилади** (Digital migration platform);

б) “Паспорт-виза” автоматлаштирилган ахборот тизими

мажмуасини такомиллаштириш, қўллаб-қувватлаш, Департамент ва унинг қуйи тизимлари учун сервер, компьютер ва бошқа қурилмаларни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар Ички ишлар вазирлиги ҳамда Персоналлаштириш мар-казининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амал-га оширилади.

V. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва на-зорат

10. Ички ишлар вазирлиги (З.К.Қурбанов) Департамент-нинг ахборот технологиялари ва телекоммуникация инфра-тузилмаларини ривожлантириш ҳамда техник қўллаб-қув-ватлаш, шунингдек, барча ахборот тизимлари, дастурий таъ-минотлар ва маълумотлар базаларида ахборот хавфсизли-гини таъминлаш чораларини кўрсин.

11. Ички ишлар вазирлиги (А.А.Ташпулатов) **уч ой мuddатда:**

а) миграция ва персоналлаштириш бўлинмаларига чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбе-кистонда ноқонуний меҳнат фаолияти билан шуғуллангани учун маъмурий чора кўриш ваколатини беришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин;

б) қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқа-диган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳ-камасига таклифлар киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига **4-иловага** мувофиқ ўзгаришлар ва қўшимча-лар киритилсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирини А.А.Ташпулатов белгилансин.

14. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси департамент бошлиғини Д.Б.Қадилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2026 йил 19 январь

УЛУҒВОР МАҚСАДЛАР САРИ
ДАДИЛ ОДИМЛАР

Бирок замон шиддати, олдимиз-га қўйган улуғвор мақсадларимиз биздан янги марраларни забт этишни талаб қилади. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Ватан манфаати, халқимиз манфаати” йўлида аҳиллик ва ҳамжиҳат-лик билан сазй-ҳаракат олиб боришга ун-дайди.

Бугун дунёдаги саноклигина миллатлар-да маҳалла институтини мавжуд ва унинг энг ёрқин тимсоли Ўзбекистонда деб ба-ралла айта олишимиз мумкин. Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги мураккаб замонда ёшларимизни турли синовларга чидамли, ватанпарвар инсонлар этиб тар-биялаш, халқимизни янада бирлаштириш ва жипслаштиришда, ҳеч шубҳасиз, ўзини ўзи бошқаришнинг нобъ тизими бўлган маҳалланинг ўрни ва аҳамияти катта.

Барчамиз учун ҳам ота, ҳам она бўлган маҳаллага, шу асосда Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусининг оқорилиғи ушбу институтнинг, аввало, ижтимоий бирдам-лик манбаи эканини кўрсатади.

Албатта, биз учун ҳозирги глобал та-раққиёт даврида, дунёда ўта кескин ва таҳликали жараёнлар юз бераётган бу-гунги кунда миллий бирлик нияҳатда му-ҳим ва зарур.

Халқимиз азал-азалдан риоя қилиб ке-лаётган ана шу тамойилдан келиб чиқиб, Президентимиз жорий йилни юртимизда **“Маҳаллани ривожлантириш ва жамия-тини юксалтириш йили”**, деб эълон қилишни таклиф этди.

Мурожаатномада маҳалла инфратузил-масини янада яхшилаш, уларга Янги Ўзбе-кистон қиёфасини олиб кириш энг устувор йўналиш сифатида белгиланди. Унга кўра, жорий йилда маҳалла инфратузилмасини тубдан яхшилаш орқали мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, унинг қиёфасини янада гўзал ва обод қилиш бо-расидаги ишлар давом эттирилади.

Ҳозирги вақтда қайсидир маҳаллада йўл, қайси бирида сув ёки электр, бош-қасида боғча, мактаб, тиббиёт, яна бири-да уй-жой билан боғлиқ масалаларга ало-ҳида-алоҳида ечим берилмоқда. Очик айтиш керак, бунинг ўзи билан маҳалла-даги барча масалалар тўлиқ ҳал бўлиб қолмайди. Шунинг учун 2026 йилдан ма-ҳаллани ривожлантириш бўйича комплекс ёндашув жорий этиладиган ва ҳар бир вилоятдан 2-3 тадан туман танлаб оли-ниб, улардаги ҳамма маҳаллада барча му-аммоларни бир вақтнинг ўзида ҳал қи-ладиган тизим яратилади.

Бу жараёнда депутатлар, сенаторлар зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юкланди. Хусусан, депутатларга ўз округ-ларидаги муаммоларни ҳал этиш учун 500 млрд. сўм, ҳар бир депутатга 3,3 млрд. сўмдан маблағ ажратиш назар-да тутилган. Бундан ташқари, “яшил ҳудуд”, “яшил боғ” яратиш бўйича ҳар бир депутатнинг ташаббусига қўшимча 330 млн. сўмдан йўналтирилади. Бундай ёндашув 2030 йилгача барча маҳалланинг инфратузилмасини тубдан яхшилаш ва уларни обод қилиш имконини беради.

Маҳаллаларни ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланар экан, унда хотин-қизлар, ёшлар манфаатига ҳам ало-ҳида эътибор қаратилди. Янги йилда ма-ҳаллалардаги аҳолини, хусусан, хотин-қиз-ларни спортга кенг жалб этиш, бунинг учун зарур инфратузилмани яратиш бўйи-ча уч йиллик дастур қабул қилиб, бунга 1 трлн. сўм йўналтирилиши, маҳалла ёшларининг китобхонликка бўлган қизи-қишини янада ошириш мақсадида мактаб кутубхоналарини ҳар йили 10 млн. дона бадиий адабиёт билан таъминлаб бориш ана шулар жумласидан.

Жамиятимизда аёллар ва болаларнинг турли зўравонликларга учраётгани оила-ни муқаддас деб биладиган халқимизга асло ярашмаслигини Президентимиз ало-ҳида қайд этди. Шу боис Мурожаатнома-да барча давлат идоралари ва кенг жа-моатчиликини сафарбар қилган ҳолда, бун-дай салбий ҳолатларга барҳам бериш

ри бир-биридан ажратилган бўлса, 2026 йилдан бу тизим туман ва шаҳар-ларда ҳам йўлга қўйилди.

Бундай ўзгаришлар халқ хоҳиш-ирода-сини ифода этувчи вакиллик органлари-нинг давлат ва жамият ҳаётидаги ролини янада оширади. Айни ҳолда сенаторлар ва депутатлар зиммасига улкан масъулият юклайди.

Бугун парламент фақат қонунлар қабул қиладиган орган эмас, у жамиятнинг бар-ча жабҳаларидан ислохотларда фаоллик кўрсатиши билан бирга, халқро мажбу-риятларнинг ижросини таъминлашда ҳам ҳал этувчи ўринга эга тузилмадир. Шу боис мамлакатимизда миллий парламент-нинг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатдаги ўрни ва таъсирини ошириш чоралари қўрил-моқда.

Хусусан, Президентимизнинг ташаббу-си билан давлат бошқаруви органлари ва-колатида бўлган қатор назорат функция-

тамойилларини илгари суриш, халқро рейтинг ва индекслар билан ишлаш, бар-қарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йил-гача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича ташкил этилган миллий комиссиялар ва кенгашлар фао-лиятини мувофиқлаштириб бормоқда.

Ўтган давр мобайнида “Сенат — ҳуду-дий вакиллик палатаси” деган таъриф-нинг моҳияти янада аниқ аҳамият касб этишига эришилди. Сенатнинг маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлиги кенгайди. Бугун маҳаллий Кенгашларнинг фаолия-тини “Қучли Кенгаш — ҳисобдор ва та-шаббускор ҳоким” тамойили асосида йўлга қўйиш, назорат функцияларини ке-нгайтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу вазифалар Президентимиз фармони билан тасдиқ-ланган Маҳаллий давлат ҳокимияти ва-киллик органлари фаолиятини 2030 йил-га қадар ривожлантириш концепциясида ўз аксини топди ҳамда изчил амалга оши-рилмоқда.

Шунингдек, Сенат томонидан маҳаллий Кенгашлар фаолиятини тартибга солувчи ва самарали ташкил этишга қаратилган 30 га яқин ҳужжатлар қабул қилинди.

Ҳудудларда намунали кенгашлар фао-лияти йўлга қўйилиб, уларнинг амалиёти-ни оммалаштириш чоралари кўрилди. Ма-ҳаллий Кенгашлар ўртасида ўзаро таҳри-ба алмашиш тизими жорий этилди.

Бугунги кунда Сенатда қонунарни му-ҳокама қилишининг барча босқичларида маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаол иштирок этмоқда. Муаммолар масалалар-ни ҳал қилишда “Маҳалла еттилиги — Ке-нгаш — Сенат” тамойилига асосланган ўз босқичли самарали механизм жорий этил-ди. Бу борада маҳаллий Кенгашлардаги 5 685 нафар депутат 9 мингдан зиёд ма-ҳаллаларга, шунингдек, дастурларга ки-рибталаган 20 мингдан ортқ лойиҳа ва объектларга масъул қилинди. Умуман ол-ганда, маҳаллий Кенгашлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга қўмаклашиш Сенатнинг устувор вазифаларидан бири-га айланди.

Тараққиётимизнинг янги босқичида парламентнинг давлат бошқарувидаги ўрни ва ролини кучайтириш, халқ ҳоки-миятчилиги тамойилини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Давлат ҳокимияти органлари ўрта-сида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини сақлаш тамойилларига амал қилинаётгани Олий Мажлис фаолиятини замон талаблари асосида йўлга қўйиш имкониятини бермоқда.

Сирасини айтганда, Президентимиз-нинг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқ-ига Мурожаатномаси мамлакатимизни янги тараққиёт босқичига олиб чиқишга қаратилган аниқ мақсад ва вазифаларни ўз ичига олган муҳим дастурий ҳужжат бўлди. Унда белгиланган устувор йўна-лишларни ҳаётга татбиқ этиш орқали мам-лакатимизда барқарор тараққиёт ва халқ фаровонлигини таъминлашга мустаҳкам замин яратилади.

Семинар

Аниқ амалий натижаларга
йўналтирилган сазй-ҳаракатлар

Кеча Олий Мажлис Сенатида халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари раислари ҳамда ҳокимлар учун ўқув семинарлари ўз ишини бошлади.

Мазкур ўқув семинарлари ҳудудларнинг қамрови ва иш-тирокчилар сонини инобатга олган ҳолда тўртта гуруҳга бўлиб ташкил этилган. Жумла-дан, биринчи гуруҳ тингловчи-лари учун машғулотлар 19 — 21 январь кунлари ўтказилиб, уларда Қорақалпоғистон Рес-публикаси, Бухоро, Хоразм ви-лоятлари ҳамда Тошкент шаҳар депутатлари ва ҳокимлар иш-тирок этмоқда.

Ўқув семинарлари барча ҳудудларни босқичма-босқич қамраб олиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарла-рининг билим ва малакасини оширишга қаратилган муҳим ўқув-амалий майдон бўлиб хизмат қилади.

Семинарнинг биринчи кунин Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти ти-зимини амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳия-ти, мақсад ва вазифалари ат-рофлича тушунтирилди.

Хусусан, маҳаллий давлат ҳокимияти тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, янги конституциявий шароитда ижро ва вакиллик ҳокимияти олдиди турган устувор вазифалар, шу-нингдек, “Қучли Кенгаш — ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” тамойилининг мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Амалга оширилаётган исло-хотларнинг асосий мақсад ва вазифалари, ижро ҳамда вакил-лик ҳокимиятининг янги инсти-туционал модели, давлат бош-қарувида самарадорлик ва ҳисобдорлиқни таъминлаш ма-салаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, Президентимиз-

нинг 2025 йил 26 декабрда Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатно-масида илгари сурилган “исло-хотларни аниқ амалий натижа-га айлантириш” ғояси Янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий фалсафаси экани таъ-кидланди.

Президент томонидан бел-гилаб берилган олтига устувор йўналишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фао-лиятдаги асосий вазифаларга эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, мазкур вазифаларнинг барчаси туман ва шаҳарлар кесимида халқ манфаатлари йўлида адолат-ли қарорлар қабул қилиш, масъулиятли ёндашувни на-моён этиш ва амалий натижа-ларга эришни талаб қилади.

Уч кунлик ўқув семинарлари доирасида тингловчилар маҳал-лий Кенгашлар фаолиятини та-комиллаштириш, ҳокимиятлар бўлишини принциплари, Ке-нгаш ва ҳокимликларнинг ўзаро ҳамкорлиги, депутатларни қонун ижодкорлиги фаолияти-га кенг жалб этиш, қарорлар қабул қилишда қонунийликни таъминлаш бўйича амалий маъгулотларда ўз билим ва қўнималарини мустаҳкамлайди.

Бундан ташқари, бюджетни шакллантириш, унинг бажари-лиши устидан самарали депу-татлик назоратини амалга оши-риш, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва тизимли ҳал этиш-да Кенгашлар ролини кучайти-риш, шунингдек, “Маҳалла ет-тилиги — Кенгаш — Сенат” та-қарувида самарадорлик ва ҳисобдорлиқни таъминлаш ма-салаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Олий Мажлис Сенати
Ахборот хизмати.

Сенат кўмитасида

ИНСОН САЛОҲИЯТИ ВА САЛОМАТЛИГИГА ДОИР УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси йиғилишида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ижтимоий соҳалар бўйича белгиланган вазифалар муҳокама қилинди. Унда сенаторлар, экспертлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, вазирлик ва идоралар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этди.

Мажлисида Стратегиянинг “Хар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш” йўналишида белгиланган вазифалар, жумладан, мактабга таълим тизимини янги bosқичга олиб чиқиш, ўрта умумтаълим мактабларида “Таълим учун қўлай муҳит” дастурини амалга ошириш, профессионал таълимни ривожлантириш ва олий ўқув юрти камрови ҳамда педагог кадрлар макомини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, иқтисодиётнинг энг тез ривожланаётган тармоқларида амалий тадқиқотларни кучайтириш ва “корхона — олий таълим муассасаси — илмий таъшилот” ҳамкорлик тизими раванқининг мақсадли кўрсаткичлари кўриб чиклди.

Мажлис иштирокчилари соғлиқни сақлаш соҳасида аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлигини ошириш бўйича мақсадли кўрсаткичларга алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, 2030 йилга бориб умр кўриш давомийлигини 78 ёшга етказиш, юрак-қон томир касалликларидан эрта ўлимни

(30 — 69 ёш) 27 фоизгача, саратон касаллигидан эса 5,2 фоизгача камайтириш мақсад қилинмоқда.

Аҳолига бирламчи tibбий хизматларни янада яқинлаштириш йўлида юрак-қон томир, хавфли ўсма, қандли диабет, сил касалликларини ташхиси қўйилган беморларнинг 50 фоизини профилактик кўрикларда аниқлашга ўтиш, даволаш муассасаларига поликлиника электрон йўланмаси орқали борган беморлар улушини 70 фоизга етказиш назарда тутилмоқда.

Стратегия ижросини таъминлашда депутатлар ҳамда жамоатчилик назорати зарурлиги қайд этилди. Амалга оширилиши белгиланган ижтимоий ислохотлар аҳолига сифатли таълим ва tibбий хизмат кўрсатилишини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришдан ibорат.

Сенаторлар “Ўзбекистон — 2030” стратегияси мамлакатимизни ижтимоий иқтисодий тараққий эттиришга, таълим, илм-фан ва соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

ҚЎЛГА КИРИТИЛГАН ЮТУҚЛАР ВА ИСТИҚБОЛГА ҚАРАТИЛГАН РЕЖАЛАР

Жойларда ўтказилган назорат-таҳлил тadbирлари давомида аниқланган муаммолар масалалар мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокчида худуднинг ўзида муҳокама этилди.

Очик мулоқотда кўмитанинг келгусидаги режалари ҳақида ҳам ахборот берилди. Шунингдек, журналистларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Равшан САМУИЛОВ, Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси раиси:

— Президентимизнинг Олий Мажлис палаталаридаги нутқида белгиланган долзарб вазифалардан келиб чиқиб, ўтган даврда кўмитамиз томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Аввало, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ўрганиш, уларни ижобий ҳал этишга алоҳида эътибор қаратдик. Кўмитамиз номига келиб тушган 336 та мурожаатни белгиланган тартибда кўриб чиқиб, салмоқли қисмини бартараф қилишга эришдик.

Ҳисобот йилида мурожаатларни кўриб чиқишда фуқароларнинг амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга доир тақлифларини ўрганишга ҳам устувор аҳамият берилди. Хусусан, кўмитамизда учрашувлар ўтказилиб, билдирилган фикрлар атрофлича муҳокама қилиб борилди.

Ўтган даврда кўмитамиз аъзолари томонидан 37 нафар жисмоний ва юридик шахс вакиллариинг қабули ҳам ташкил этилди. Уларда 48 та масала кўтарилган бўлиб, депутатлар сaъй-ҳаракати билан уларнинг аксарияти ҳал қилинди.

Жорий йилда ҳам давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида белгиланган 6 та устувор вазифадан келиб чиқиб, қонун ижодкорлиги, назорат таҳлил фаолияти ва сайловчилар билан ишлаш масалаларига жиддий эътибор қаратамиз.

Дурбек АХМЕДОВ, Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси раиси ўринбосари:



— Ҳисобот йилида кўмитамиз аъзолари томонидан мансабдор шахсларга сайловчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан жами 17 та депутат сўрови юборилди.

Уларда аграр соҳадаги вазифалар ижроси, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлат дастурларининг бажарилиши, сув иншоотларидан фойдаланиш, аҳоли томирқорларини сув билан таъминлаш, маҳсулот етиштиришда экспорт салоҳиятини ошириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, Қонунчилик палатаси мажлисида кўмиа ҳамда ЎзЛиДеП фракцияси ташаббуси билан Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги хузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги директорининг, Сув ҳўжалиги вазирининг ахборотлари эшитилди. Қолаверса, кўмитамиз тақлифига асосан Сув ҳўжалиги ва Қишлоқ ҳўжалиги вазирларига парламент сўровлари юборилди.

«Халқ сўзи».

ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ЯНАДА ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилиб, тегишли тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасидаги қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилотининг Санитария ва фитосанитария чораларини қўллаш бўйича битимига мувофиқлаштириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасига кўра, қатор қонун ҳужжатларига ЖСТнинг Санитария ва фитосанитария чораларини қўллаш бўйича битимида белгиланган қоида ва нормаларга мувофиқлаштириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳаси юзасидан ўз нуктаи назарини билдириб, ўтган даврда депутатлар томонидан берилган бир қатор тақлифлар асосида қонун лойиҳаси янада такомиллаштирилгани, хусусан, унинг номи амалиётдан келиб чиққан ҳолда аниқлаштирилгани қайд этилди.

Йиғилишда “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси атрофлича кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистонда молиявий технологиялар соҳасини ривожлантириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар улушини ошириш, шунингдек, сайёҳлар оқимини қўлайитириш ва туристик хизматлар кўламини кенгайтиришга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Адҳамбек ИСМОИЛОВ, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:

— Мазкур қонун лойиҳасида Ўзбекистон ҳудудида мажбурий тарзда сақланиши лозим бўлган шахсга доир маълумотлар турларини аниқ белгилаш, шунингдек, айрим маълумотларни чет элда қайта ишлаш ва сақлаш учун хавфсизлик, халқаро стандартларга риоя этиш ва ваколатли орган талабларини бажариш каби шартларни жорий қилиш тақлиф этилмоқда. Шубҳасиз, ушбу ўзгартиришлар халқаро тўлов тизимларини мамлакатимизда қўллаш, инвестиция муҳитини янада яхшилаш, рақамли хизматлар бозорини кенгайтириш ҳамда фуқаролар ва сайёҳлар учун замонавий тўлов имкониятларини яратишга хизмат қилади.



Фракция йиғилишида кўриб чиқилган қонун лойиҳалари атрофлича муҳокама этилиб, депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига фуқаролар ва тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини жорий этишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимча-

лар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди.

Маъмурий судлар сўнгги йилларда фуқаролар ва тadbиркорлик субъектлари қонуний манфаатларининг ишончли суд ҳимоясини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Судлар томонидан аҳоли манфаатларига зарар етказаятган минглаб гайриқонуний ҳужжатлар бекор қилинди. Давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликлари тикланди.

Кейинги йилларда маъмурий судлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, маъмурий судлар соҳасига фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада ишончли ҳимоялашга қаратилган янги институтлар киритилди. Лекин шунга қарамай бугун маъмурий судлар ролини янада кучайтириш зарурати вужудга келмоқда.

Шу мақсадда ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси билан маъмурий судлар томонидан маъмурий жавобгарликка тортиш тартиби белгиланмоқда. Суд муҳокамаларида маъмурий орган мансабдор шахси ёки унинг вакили қатнашмаган ва унинг иштироки суд томонидан узрли деб топилмаган тақдирда мансабдор шахсга нисбатан суд жаримасини қўллаш тартиби назарда тутилмоқда. Шунингдек, дастлабки эшитув натижаларига кўра, ариза кўрмасдан қолдирилганда давлат божини қайтариш тартиби белгиланган.

Қизгин муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб Президентимиз расилгида Ташки ишлар вазирлиги ва хориздаги дипломатик ваколатхоналар фаолияти юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган қонун устувор вазифалар ҳақида сўз юритилди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда ташки сиёсатда салмоқли ютуқларга эришилди. Олий даражадаги таширфлар географиясининг кенгайиши, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларининг йўлга қўйилиши, мамлакатимиз дипломатик ваколатхоналари сонининг сезиларли даражада ошгани давлатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи мустаҳкамланиб бораётганини кўрсатади.

Фракция аъзоларининг айтишича, партия сайловли дастури ва ғоявий мақсадларидан келиб чиқиб, илгари сурилган Ташки сиёсат фаолияти концепциясини янгилаш ташаббусини замон талаби деб ҳисоблайди. Бунда янги концепция миллий манфаатлар, иқтисодий дипломатия, хавфсизлик, инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий адолат тамойилларини яхлит ҳолда мужассам этиши лозим.

Шундан сўнг депутатлар фуқаролар ва тadbиркорлар учун иқтисодий ҳамда маъмурий судларга мурожаат қилишда қўлай шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонун лойиҳасини кўриб чиқди.

У билан Жиноят ва Иқтисодий процессуал кодекслари, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс, шунингдек, “Судлар тўғрисида”ги ва “Давлат божи тўғри-

сида”ги қонунларга бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Жумладан, маъмурий суд ишлари юритишда — ҳуқуқи бузилган шахсларнинг танлови кўра, иқтисодий суд ишлари юритишда эса тарафларнинг келишувига асосан экстерриториал судлов механизмини жорий қилиш тақлиф этилмоқда. Бунда ишни кўриб чиқадиган суд автоматлаштирилган ахборот тизими орқали белгиланиши кўзда тутилган.

Гулнораҳон АБДУВОҲИДОВА, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси:

— Фракциямиз йиғилишида қонун лойиҳасини атрофлича муҳокама этдик ва уни янада такомиллаштириш бўйича ўз тақлифларимизни бердик. Айтиш мумкинки, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши судга мурожаат этишдаги ортиқча овозагарчиликларни камайтириш, коррупциявий омилларни бартараф қилиш ҳамда суд қарорларининг сифати ва самарадорлигини оширишга ҳисса қўшади.



Йиғилишда мазкур қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишнинг назарда тутувчи қонун лойиҳаси муҳокамалар марказида бўлди.

Қонун лойиҳасида халқаро компаниялар, хусусан, халқаро тўлов тизимларининг мамлакатимизда фаолият юритиши учун ҳуқуқий шарт-шароитларни янада такомиллаштириш акс этмоқда. Таъкидланганидек, мазкур нормалар халқаро онлайн тўлов компанияларини Ўзбекистон бозорига қизиқтириш, рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш ҳамда тўлов хизматлари бозори ҳажмини кенгайтиришга хизмат қилади.

Йиғилишда, шунингдек, рақамли маркировкалаш тизими самарадорлигини ошириш муносабати билан Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, унда “масофавий солиқ текшируви” тушунчасига аниқлик киритилиб, мазкур текширувни ўтказиш тартибини содалаштириш, тadbиркорлик субъектлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини таъминлаш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, маркировкалаш қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича масофавий солиқ текширувини солиқ тўловчининг хузурига чиқмасдан, ҳуқуқбузарлик юзасидан икки марта огоҳлантириш берилганидан сўнг ўтказиш ҳамда қарор қабул қилиш жараёнларини тезкор ташкил этишнинг қонуний асослари белгиланмоқда.

Йиғилишда қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор саволлар кўтарилди.

Шокиржон АХМЕДОВ, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Солиқ назорати ва маъмурий жавобгарлик масалалари юзасидан Солиқ кодексининг 227-моддасига киритилаётган ўзгартиришлар қандай мақсадни кўзда тутади? Жарима миқдорлари ва уларни қўллаш тартибини қайта кўриб чиқиш ва

бу орқали бир ҳуқуқбузарлик учун икки марта маъмурий ёки молиявий жавобгарликка тортиш ҳолатларининг олдини олиш муҳим.



Қонун ташаббускорлари ушбу масала масъул кўмиа томонидан ҳам кўтарилганини маълум қилиб, лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида тегишли нормалар қайта ишланишини билдирди.

Муҳокама давомида қонун лойиҳаларини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор тақлиф ва мулоҳазалар билдирилиб, улар қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига фуқаролар ва тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини жорий этишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси билан маъмурий суд ишларида ишончнинг ҳуқуқий ҳимояси институтини жорий этиш, ишларни кўриб чиқиш самарадорлигини ошириш мақсадида дастлабки эшитув институтини амалиётга киритиш, шунингдек, маъмурий орган мансабдор шахси ёки унинг вакилининг суд мажлисларида иштирокини таъминлашга доир нормалар белгиланмоқда.

Йиғилиш давомида лойиҳада назарда тутилган янги ҳуқуқий институтлар ва процессуал механизмларнинг амалий аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Қизгин муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигини Жаҳон савдо ташкилотининг Санитария ва фитосанитария чораларини қўллаш бўйича битимига мувофиқлаштиришнинг назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Азизбек АКБАРОВ, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан атрофлича кўриб чиқилди. Назарда тутилган нормалар фитосанитария соҳасидаги қонун ҳужжатларини буғунги кундаги барча халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга, мамлакатимизда етиштирилган ўсимлик ва ўсимлик маҳсулотларининг халқаро савдода тўсиқларсиз ҳаракатланишига, ўсимликлар карантини соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.



Муҳокама якунида қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

«Халқ сўзи».

КОРРУПЦИЯ — ЖАМИЯТ РАВНАҚИГА ЖИДДИЙ ТАҲДИД

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида коррупция мамлакат ривожига салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан бири экани алоҳида қайд этилди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, у давлат тараққиётига тўсиқ бўладиган, адолат ва қонун устуворлигини издан чиқарадиган, жамиятда ишонч муҳитини заифлаштирадиган энг жиддий таҳдиддир.

Акс садо

2017 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниши билан коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Олий Мажлиснинг ҳар икки палатасида масъул кўмиталар ташкил этилди. Давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаши ҳамда агентлик фаолият бошлади.

Очлик ва шаффофликни таъминлаш, бюрократияни бартараф этиш мақсадида рақамлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниши ва ушбу тизимнинг рақамлаштирилиши натижасида 2024 йилда 14 трлн. сўм бюджет маблағлари тежаб қолинди.

Шу билан бир қаторда, комплаенс-назорат тузилмалари томонидан ўтказилган 11 мингдан ортиқ текширувлар натижасида 793 млрд. сўм маблағ мақсадсиз сарфланишининг олдин олинган, 2 трлн. сўмга, яқин молиявий ҳатотик ва қоидабузарликлар аниқланиб, 478 млрд. сўм зарар ундирилган. Самарали фаолият кўрсаткичлари (КР) жорий этилиши эса 354 млрд. сўмлик қоидабузарликларни аниқлаш, 550 млрд.

ушбу йўналишда қатор муҳим ташаббусларини илгари сурди.

Коррупцияга қарши кураш борасида амалга ошириладиган ишларнинг ҳуқуқий механизмлари 2025 йил 30 декабрда имзоланган “Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Президент Фармонида ўз ифодасини топган.

Фармон билан, биринчидан, барча давлат органлари ва ташкилотларидан комплаенс хизмати фаолият юратади. Ушбу жараён устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Комплаенс хизмати ҳар бир пора олиш ёки хизмат ваколати суниестеъмол қилиш ҳолати ҳақида Президентга ахборот тақдим этади.

Давлат органларининг ички антикоррупция назорати бўлимлари фаолияти Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

Учинчидан, давлат ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланади. Президентимиз фармони мувофиқ, коррупцияга қарши курашишнинг ягона тизими — Коррупцияга қарши кураш кластери

Иккинчидан, раҳбарларнинг шахсий жавобгарлиги кучайтирила-

ди. Барча давлат идораларида коррупцияга қарши курашиш, комплаенс ва ички назорат учун масъул раҳбар ўринбосари лавозимини жорий этилади. Шунингдек, Ҳисоб палатаси вакиллариининг фаолияти йўлга қўйилади.

Ушбу раҳбарлар тизимда ҳалоллиқни таъминлаш, бюджет маблағларининг талон-торож этилиши ва хизмат ваколатларини суниестеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олиш учун шахсан жавобгар бўлади. Улар бевосита Президентга ҳисобдор, бу эса уларнинг мақоми ва масъулиятини оширади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Комплаенс хизмати ҳар бир пора олиш ёки хизмат ваколати суниестеъмол қилиш ҳолати ҳақида Президентга ахборот тақдим этади.

Давлат органларининг ички антикоррупция назорати бўлимлари фаолияти Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

Учинчидан, давлат ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланади. Президентимиз фармони мувофиқ, коррупцияга қарши курашишнинг ягона тизими — Коррупцияга қарши кураш кластери

2026 йилда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш, манфаатлар тўқнашуви хавфларини минималлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг мувофиқлаштирувчи роли кучайтирилади, раҳбарларнинг жавобгарлиги оширилади ва барча ташаббуслар Президент даражасида қатъий назорат қилинади. Бу эса, шубҳасиз, тараққиётимизга ғов бўлаётган мазкур иллатни бартараф этишда янги даврни бошлаб беради.

Абдулазиз РАСУЛБЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институтини илмий котиби, юридик фанлар доктори, профессор.

БИЛИМ —
САОДАТ
КАЛИТИ

Бухорода фарзандини 38-умумтаълим мактабида ўқитиш истагидаги ота-оналар кўп. Сабаби — оддий, мактаб раҳбарияти билими кучли, ўз устида ишлайдиган, рақобатга дош бера оладиган ўқитувчиларни ишга таклиф қилади. Токи, ўқувчининг дарсдан сўнг у ёки бу фанни чуқурроқ ўзлаштирамиз, деб пуллик ўқув курсларига боришига ҳоҳат қолмасин. Уй-фикри чалғимасин.



Бухоро шаҳридаги мазкур мактабда 90 нафар атрофидаги ўқувчиларнинг тил билиш сертификатига эгаллиги, 5-6 ва ҳатто 4-синф ўқувчиларининг хориз тилларида бийрон гапиришини кўриб, уларнинг устозларига тасанно айтгинг келади.

— Ўқувчиларимизнинг одоби жойида, нутқлари равон, дунёқарашлари кенг, — дейди мактаб директори Д. Жўраева. — Буни китобхонликни оқилона йўлга қўйганимиз натижаси, деб биламан. Ҳар ойда ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг яхши асарларидан бирини ўқиб, ўқувчилар билан муҳокама қиламиз. Хориз тилларида ҳам китобхонликни йўлга қўйганимиз. Бу ҳақда алоҳида тўхталаётганим бежиз эмас. Болани ҳар қил ижтимоий тармоқлар таъсиридан узоқлаштириш учун уни китоб ўқишга ундаш керак, деб ўйлайман. Ёшларимиз қай бир ютуққа эришаётган бўлишса, унинг замирида китобхонлик, устозларнинг оила билан ҳамкорлиқдаги меҳнати ётибди.

Дарвоқе, яқинда шу мактабнинг битирувчи синф ўқувчиси Ниёзбек Комилов айтса аргизулиқ ютуқлардан бирини кўлга киритди. Дастурлаш ва рақамли технологиялар соҳаси билан жиддий шуғулланаётган Ниёзбек ўз жамоаси билан “President Tech Award” танловига ғолиб чиқди. Жамоа 100 минг АҚШ доллари миқдоридagi мукофот билан тақдирланади.

— Танловда “Тахрирчи” деб номланган лойиҳамиз билан қатнашдик, — дейди у. — Бу ишланмамиз ўзбек тили учун мўлжалланган. У матнни онлайн тарзда тахрирлаш хизмати билан амалга оширади. Рақамли технологияларни маҳаллий эҳтиёжларга мослаштиришда асқатади. Бевосита ўзимга келсак, мактабдан сўнг дунёнинг етакчи олий ўқув юртларидан бирида тахсил олмақчиман.

...Билим даргоҳидан қайтаётиб ўқувчилар эришган натижалар махсус доскада бир-бир баён этилганига қўзимиз тушди. Ён томонда эса жадид боболаримиз, жумладан, Абдурауф Фитратнинг “Агар киши тижорат билан машғул бўлса, бу дунёда фаровон яшайди, агар ибодат билан шуғулланса, у дунёда охирати обод бўлади, агар илм билан шуғулланса, у икки дунё саодатига эришади”, деган ҳикमतомуз сўзлари битилган. Мағзи бутун, олтиндай зангламас бу битикларни ўқиб, беихтиёр академик шоир Фафур Фуломнинг

“Тақдирин кўл билан яратур одам,
Ғойибдан келажак бахт бир афсона”
деган мисраси ёдимизга тушди.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

КАСБИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР —
ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Глобаллашув жараёнлари ва тўртинчи саноат инқилоби шиддат билан кечаётган бугунги даврда ҳар қандай давлатнинг иқтисодий қудрати ҳамда рақобатбардошлиги унинг табиий бойликлари билан эмас, балки “инсон капитали” сифати билан белгиланмоқда. Жаҳон меҳнат бозоридаги тенденциялар шуни кўрсатмоқдаки, анъанавий академик билимлардан кўра ўзгарувчан технологик жараёнларга тез мослаша оладиган, аниқ амалий кўникмаларга ва замонавий компетенцияларга эга кадрларга эҳтиёж тобора ортиб бораётир.

Нуктаи назар

Шу боис мамлакатимизда ёшларни муносиб иш ўринлари билан таъминлаш ва уларни меҳнат бозори талабларига тўлиқ жавоб берадиган мутахассис сифатида тайёрлаш масаласи устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Давлатимиз раҳбари 2025 йил 26 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида бу борада алоҳида тўхталди: “Энди мамлакатимизнинг меҳнат бозори мутлақо янги архитектура асосида — касб, ма-лака, технология ва таълимни бирилаштирадиган ягона механизм сифатида ишлаши зарур...”

Техникумлар
фаолиятида
янги сифат босқичи

Президентимиз томонидан ушбу вазифаларни бажариш учун 2026 йилдан бошлаб ҳар йили ка-мида 100 тадан техникум тўлиқ таъмирланиб, технологик ва талаб юқори бўлган касбларга мос ҳолда жиҳозлаб борилиши, Германия, Швейцария, Буюк Бри-тания, Хитой, Жанубий Корея каби давлатларнинг илғор таълим дастурлари жорий қилинган техникумлар сони 100 тага етказили-ши ҳамда бу йил 7 та вилоят-да, 2027 йилда эса қолган ҳудуд-ларда Илғор касбий маҳорат тех-никуми ва “Касблар шаҳарчаси” фаолияти йўлга қўйилиши белги-ланди. Бунда Илғор касбий ма-ҳорат техникумлари ҳудуддаги бошқа техникумлар учун методик ва амалиёт базаси сифатида фаолият юритса, “Касблар ша-ҳарчаси” мактаб ўқувчиларини курилиш, сервис, қишлоқ хўжа-лиги, саноат, транспорт, “яшил” энергетика каби соҳалардаги за-монавий касбларга йўналтириш-га хизмат қилади.

Соҳада бошқарув тизимини та-комиллаштириш орқали ягона ёндашув асосида касбга ўқитиш, илғор хоризий тажрибаларни са-марали жорий этиш ва халқаро стандартларга мос бўлган юқори малакали мутахассисларни тай-ёрлаш мақсадида Президентимиз томонидан имзоланган тарихий ҳужжатлар — “Касбий таълим тизимида бошқарув самарадорли-гини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон ҳамда “Кас-бий таълим тизимида ислохот-ларни амалга ошириш чора-тад-бирлари тўғрисида”ги қарор тар-моқ ривожига янги даврни бошлаб берди.



80 фоизи моддий-техник базани ривожлантиришга, 20 фоизи эса илғор педагог ва раҳбар ходим-ларни моддий рағбатлантиришга йўналтирилади, бу эса таълим му-ассасалари ўртасида соғлом ра-қобат муҳитини шакллантиради. Бошқарувдаги энг муҳим янги-ликлардан бири ҳудудий даража-да ижро ҳокимияти ва бизнес ва-килларининг таълим жараёнига бевосита жалб этилишидир. Қо-рақалпоғистон Республикаси Вази-рлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари раис-лигида Касбий таълимни ривож-лантириш ҳудудий тадбиркорлар кенгашлари ташкил қилинаётгани ҳам эътиборга молик воқелик, десак, муболага эмас.

Кенгаш таркибига ҳудуддаги йи-рик саноат корхоналари, кластер-лар ва иш берувчи ташкилотлар раҳбарлари киритилади ва улар-

дий техникумлардан фарқли ўлароқ, ҳудуддаги касбий таълим тизимининг технологик ва методик маркази (Hub) вазифасини бажар-ади.

«Устоз — шоғирд»
анъанаси
сертификатлашган
тизимга айланади

Ислохотларнинг яна бир ўзига хос жиҳати, норасмий таълимни тан олиш тизимининг яратилиши. Фармонга асосан, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирли-ги тизимидаги касбий кўникмалар марказлари 2026 йил якунига қадар Малакани баҳолаш марказ-ларига айлантирилади. Хўш, бу ни-мани аналтади? Авваллари фуқа-ро бирор хунарни мустақил ёки “Устоз — шоғирд” анъанаси асо-сида ўрганган бўлса-да, уни тас-дикловчи ҳужжати йўқлиги туфай-ли малакали ишчи сифатида тан олинмасди. Янги тизимда эса но-расмий ва информал таълим ор-қали эгалланган кўникмалар ушбу марказларда баҳоланиб, расмий малака паспорти ёки сертификати берилади.

Давлат малака талабларини босқичма-босқич кучайтириб бор-

“ Янги ёндашувга биноан, касбий таълим шунчаки ижтимоий ҳимоя воситаси эмас, балки мамлакатнинг инсон капитали борасидаги имкониятларини тўлиқ ишга соловчи иқтисодий драйверга айланиши лозим. Белгиланган мақсадли кўрсаткичларга кўра, 2030 йилга қадар халқаро ва қўшма таълим дастурлари жорий этилган техникумлар сонини кескин ошириш, 9-синф битирувчиларининг касбий таълим билан қамровини 50 фоизга етказиш, дуал таълим улушини 40 фоизгача кўтариш кўзда тутилган. ”

нинг асосий вазифаси шунчаки ку-затувчилик эмас, балки стратегик масалаларни ҳал этишдан иборат. Улар ҳудуд иқтисодиёти драйвер-ларидан келиб чиқиб, ўрта бўғин кадрларига бўлган реал эҳтиёжни аниқлаш, техникумларда дуал таъ-лим бошлаб ҳар йили Касбий таъ-лимни ривожлантириш жамғар-масига республика бюджетидан 600 млрд. сўм миқдорига маблағ ажратилиши белгиланади.

Рағбатлантириш
натижага асосланади

Молиялаштиришдаги яна бир инновацион ёндашув — бу “нати-жага асосланган рағбатлантириш” тизимининг жорий этилиши. Ушбу йилдан бошлаб техникумлар фао-лияти бўйича Миллий рейтинг юритиладиган бўлди. Унинг нати-жаларига кўра, энг юқори ўринни эгаллаган 50 та техникумнинг ҳар бири базавий ҳисоблаш миқдори-нинг 3 000 баравари даражасида-ги бир марталик маблағ билан му-кофотланади. Ушбу маблағларнинг

моқда. 2027 йил 1 январдан бош-лаб Наманган, Самарқанд ва Тош-кент шаҳарларида туризм, косме-тология ва умумий овқатланиш со-ҳаларида, 2027 йил 1 июндан қурилиш соҳасида, 2028 йилдан эса бутун республика бўйлаб бар-ча касблар бўйича ишга қабул қилишда малака даражасига мос диплом ёки сертификатга эга бўлиш мажбурий этиб белгилан-наётир. Бу “соядаги иқтисодиёт”-га барҳам бериш ва ҳизмат кўрсатиш сифатини оширишнинг самарали механизмидир.

Ўзбекистон касбий таълим ти-

“Касбий таълим тизимида ислохотларни амалга ошириш — тарақ-қиёт пойдевори” деган гоя остида бошланган мазкур жараёнлар мам-лакатимизда учинчи Ренессанс пойдеворини куриш йўлида муҳим қадам. Эндиликда асосий вазифа ушбу яратилган ҳуқуқий ва молия-вий имкониятлардан жойларда самарали фойдаланишни ташкил этиш, таълим муассасалари ва бизнес ҳамжамияти ўртасидаги ҳамкорлик-ни янги босқичга кўтаришдан иборат. Зеро, бугунги техникум ўқувчи-си — эртанги куннинг бунёдкори бўлмоғи даркор.

Зайниддин ХУДОЙБЕРДИЕВ,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

ТИББИЙ ХИЗМАТ
АҲОЛИГА ЯҚИНЛАШДИ

Навбахор туманининг Бешработ маҳалласи ҳудудида янги хусусий тиббиёт муассасаси очилди. Мақсад аҳолига қулай ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишга қаратилган бўлиб, бу ерда эндокринолог, лор, уролог ҳамда терапевт каби мутахассислар фаолият олиб боради.

Қулайлик

Энг илғор тиббий техно-логиялар билан жиҳозланган лабораториялар аниқ таш-хис қўйиш ва даволаш са-марадорлигини оширишга хизмат қилади. Муассасада 11 та стационар даволашни ўрни мавжуд.

— Меҳнат фаолиятимнинг асосий қисми туман тиб-биёт биришмасининг раҳбарлик лавозимларида ўтган, — дейди фахрий ши-фокор Бобожон Ғафоров. — Албатта, бу муассасадаги ташхис қўйиш ва даволаш



ускуналарининг аксарияти биз каби шифокорларнинг узоқ йиллик орузими эди. Шубҳасиз, мазкур салоҳият тиббий фаолият самарадор-лигини оширади. Муассасанинг очилиши

маросимида иштирокчилар янги шифо маскани билан яқиндан танишиб, яратилган шарт-шароит ва тиббий хиз-матлар сифатига юқори баҳо беришди. Шу-нингдек, улар тадбир-корнинг ташаббусини кўллаб-қувватлаб, бун-дай лойиҳалар аҳоли саломатлигини мустаҳ-камлаш, иш ўринлари яратишда муҳимлигини таъкидлашди.

Янги хусусий тиб-биёт муассасасининг ишга туширилиши ма-ҳалла ва унга яқин ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли учун зарур қулайлик яратиши билан эътиборга молик.

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

Ижтимоий ҳимоя

Эътибор ва вамхўрлик
намунаси

Қўштепа туманида 4 нафар йигит-қизга янги уйлар тақдим этилди. Президентимизнинг 2021 йил 9 августдаги тегишли қарори асосида етим болалар ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни мустақил ҳаётга қадам қўйганида уй-жой билан таъминлашнинг аниқ тизимлари белгилаб берилган.

Тантанали тадбирда Қўштепа тумани ҳокимлиги ҳамда “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази масъуллари ёшлар-ни уйли бўлгани билан қутлашди. Янги уйда маҳалла фаоллари, нуронийлар иштирокида бир пиёла чой усти-да самимий суҳбат уюштирилиб, эзгу тиланлар билди-рилди. Бундай эътибор ва рағбатдан мамнун бўлган Маъ-руфжон Мамажонов, Нилуфархон Раҳимова, Фарангиз Турсунова ва Жасурбек Ўрмонов элу юрт хизматида ка-марбаста бўлишга ваъда беришди.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

ИСТИРОҲАТ БОҒИ ЭНДИ
НОМИГА МОНАНД

Наманган вилояти марказидаги Порлоқ маҳалласи ҳудудида жойлашган “Ёшлар истироҳат боғи” бундан анча йиллар илгари барпо этилган эди. Сўнгги пайтларда қаровсиз ҳолга тушиб қолди.

Бунёдкорлик

Маҳаллий ҳокимлик балансига олинган, уни қулай саййлоғиға айлантириш мақса-дида тизимли ишлар амалга оширилиб, за-монга мос янги кўринишдаги кўнгилочар маскан эшикларга қайтадан очилди.

Ушбу лойиҳа доирасида республика бюд-жетидан 7,8 млрд. сўм маблағ ажратилиб, кенг қўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Жумладан, электр тар-моқлари тўлиқ янгиланди, суғориш тизими реконструкция қилинди, ҳудуд ободон-лаштирилиб, янада кўкаламзорлаштирилди. Аҳамиятлиси, лойиҳа натижасида 75 та иш ўрни яратилди, 35 нафардан ортиқ тадбир-корлар фаолиятини бошлаш имкониятига эга бўлди.

— Янгиланган боғ нафақат маҳаллий



аҳоли, балки вилоят меҳмонлари учун ҳам қулай ва мазмунли дам олиш ошёни сифа-тида хизмат қилади, — дейди Ёшлар иш-лари агентлиги Давлатобод тумани бўлими бошлиғи Умидбек Валижонов. — Айни пайтда бу ерда бунёдкорлик тадбирлари давом эттириляётир. Яқин вақтда боғ тўлиқ реконструкциядан чиқарилиб, қўшимча ра-вишда яна кўплаб кўнгилочар ўйинлар, спорт инфратузилмасини яратиш ҳамда хизмат турларини кенгайтириш режа-лаштирилган.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази хабарига кўра, ўтган йили мамлакатимизда аҳолининг сил билан касалланиш кўрсаткичи 3,7 фоизга камайди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюртма Г — 142. 31 016 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълолар 71-259-74-87.



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.55 Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5 6